

Муҳаммад СИДИҚ  
Муҳаммад АБДУСАМАД

# ИШҚ БЕКАТИ

*Шеърлар*



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
«Адабиёт жамғармаси» нашриёти  
Тошкент – 2005 йил

# ИШҚ БЕКАТИ

## *Шеърлар*

*Муҳаррир*

Рустам Мусурмон

*Ношир*

Мубашшир АҲМАД

*Мусаввир*

Акмал Икромов

*Дизайнер*

Баҳриддин Бозоров

*Техник муҳаррир*

Аббос ТУРСУНОВ

*Мусахҳиҳ*

Зумрад Ваҳобова

© «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2005-йил.

## ИШОНЧ – ЭНГ КАТТА МУКОФОТ

Ҳар ким қўлига умид билан қалам тутади. Кўнгиладардларини оппоқ қоғозларга ошкор қилади. Ички бир инжа ҳис-туйғуларнинг ўзига хос ифодалари — дан шеърий, рубобий мисралар майдонга келади. Зўрма-зўракилик, сунъий равишда байтлар тўқиш машқларининг умри узоққа чўзилмайди.

Инсон ўзининг боридек равишда шеърида намоён бўлгани яхши нарса. Ўзини пардалаб, ўринлими ва ё ўринсизми ўзини девона шоирлар қаторига киритиб, бу қатордан чиқа билмай сарсон юрганлар қанча?

Инсон табиатидаги ички бир ибо, камтаринлик ва ийманишга ўхшаш бир ҳолатларнинг шеърда кўриниб турганлиги, ортиқча, оламшумул даъволардан йироқ турган ҳолда шеър ёзишнинг ўзига яраша гашти бўлса керак. Буни шундай бир гўзал туйғули ҳолатларни бошидан кечирган қалам аҳлигина билса керак. Бундан фақат шу зайлда шеър ёзаётганлар бохабардир. Буни эҳтимол ушбу китобчага шеърлари киритилган Муҳаммад Сиддиқ билан Муҳиддин Абдусамаддан сўраш керакдир. Нима бўлганда ҳам ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий универси-тетини қошидаги Олий Адабиёт курсида таҳсил олаётган бу икки шоир ўз шеърларидаги самимиятга, ростгўйлигига, энг муҳими сўзга хиёнат қилмаслигига ишонтиради.

Тўғриси, ижод аҳли бир-икки китоб чиқаргач, мустаҳкам оёққа туриб олгандан кейин мукофотлар илинжида юради. Назаримда, биров сизнинг шеърингизни ўқиса, шунинг ўзи катта мукофот. Сўз айт —

сангиз, бирсв уни элтиборга олса, биров уни эшитса, яна ҳам муҳимроғи, одамлар ўша сўзингизга ишон — са, назаримда, энг катта мукофот шудир. Чунки ис — теъдодли шоирларимиздан бири: «Шоирлари ёлғон айтса, ўлади эл» деган гўзал бир сатрни ёзган. Сўзга садоқат, ўзни алдамаслик, бировларни алдаб, улар — нинг ҳақиғига хиёнат қилмаслик шоирлар учун муҳим бир фазилатдир.


Биз сизга ишондик, сўзингизга ишондик Му — ҳаммад Сиддиқ, Муҳиддин Абдусаммад!

Сизларга оқ йўл, баянд парвозлар тилаб

*Баҳадир Қарим*  
*Филология фанлари доктори*

Муҳаммад СИДДИҚ

# МЎЪТАДИЛ ЛАҲЗАЛАР



\* \* \*

Осмон оппоқ ҳасратлар тўкди.  
Мудрайди боғ, кезарман сархуш.  
Фақат сенга ачинар кўнглим,  
Қор остидан дон излаган қуш.

Юрагим ҳам сендайин ғариб,  
У ҳам сендек нолон бўзлайди.  
У ҳам сендек сайраб бетиним,  
Қорлар титиб меҳр излайди.

Юрагимга қариндош қушим,  
Кел, иситай сени бир нафас.  
Ва ё сен ҳам кўксимга киргил,  
Қара, қурдим сўнгақдан қафас.

Дунё ўзи шунақа, қушим,  
Ким беозор, ютгани қонлар.  
Аммо қишда келган ёприлиб,  
Қарғаларга қаҳатмас донлар.

Майли, қушим, майли, омон бўл!  
Битмас сенга дардларим очсам.  
Сенга шунча ҳасрат тўккунча,  
Яхшимиди бир ушоқ сочсам.

Осмон оппоқ ҳасратлар тўкди,  
Мудрайди боғ, кезарман сархуш.  
Бошларини қор эгган дарахт  
Майсаларни кўраётир туш.

\* \* \*

Кўзларингда сокин денгиз бор,  
Кўзларингда юлдузли осмон.  
Кўзларинг йўл эрур поёнсиз,  
Кўзларингда тўртгала томон.

Кўзларингда қуёшнинг акси,  
Кўзларингда ойнинг тўлгани.  
Кел, кўзингдан узмайин кўзим,  
Қолгани не бўлса бўлгани.

\* \* \*

Кўзларингга ошиқ ҳатто тун,  
Даричангдан нари кетмайди.  
Сен билмайсан туннинг севгисин,  
Туннинг қўли сенга етмайди.

Даричангдан суқланиб боқар,  
Сенсиз тун ҳам сифмас ҳовлига.  
Олганингда сочинг илгагин  
Бир боқсайдинг туннинг ҳолига.

\* \* \*

Яшириб қўяркан дурларин денгиз,  
Қачон чиғаноқлар оғзини очса.  
Айтгил кўзларингни қандай денгиз дей,  
Дурларин яширма, юзингга сочса.



\* \* \*

Чорбоқда қиёмат бошланди,  
Бойчечаклар айтди хабар сўз.  
Дарахтларни уйғотди шамол,  
Улар мудраб бир-бир очди кўз.  
Чорбоғда қиёмат бошланди,  
Оби-ҳаёт томди абрдан.  
Даҳшатдан оқарди бодомнинг сочи,  
Бош кўтарди тоқлар қабрдан...

\* \* \*

Ёрга ошиқ чорбоғда барча,  
Биров сенсиз ўламан, дейди.  
Биров деса сенсиз йўқ баҳор,  
Биров ўтин бўламан, дейди.

Аммо анор бошқача севар,  
Ёр олдига бормас ёлвориб.  
Исбот этар ишқин жимгина,  
Қонли кўксин иккига ёриб.

### Тўлин Ой

\* \* \*

Ой- маржони узилган малак,  
Туни билан йиғолмай ҳалак.  
Бир малакка шунча жабрми?  
Воҳ, бунчалар бағритош фалак.

\* \* \*

Ой- кўкдаги нозли париваш,  
Кўзгусидир тип-тиниқ сойлар.  
Тунда ойни ҳайрон этади,  
Симёғочга илинган ойлар.





\* \* \*

Кўнглим сезар, ҳозир ёрим ўсма юлар,  
Йўлларимга қарар сўнгра муштоқ бўлиб.  
Борсам менга гапирмайди, араз қилар,  
Йиғлаб берар сўнг юраги тўлиб-тўлиб.

Баҳор ёққан ёмғирдайин кўз ёшлари,  
Овунади десам ўзинг кераккинам.  
Ана, ҳозир у ўсмасин сиқаяпти,  
Сиқияпти чунки менинг юраккинам.

\* \* \*

Фалак, бунча ношуд деҳқонсан!  
Чизиб пешонамга - шудгорлар этдинг.  
Шунчалар шўрмиди ё унинг хоки,  
Экмай экинингни ташладинг, кетдинг.

\* \* \*

Соатнинг капгири – вақтнинг жодиси,  
Шўрлик лаҳзаларнинг кундада боши.  
Бундай томошага тик боқолмас ер,  
Тинмайин айланар етмай бардоши.

\* \* \*

Ажаб эрур фалак ишлари,  
Ўйлаб ўйинг етмас барига.  
Жойлаб қўйиб асални гулга,  
Излаб топ, деб айтар арига.

Ўйин эрур бор фалак иши,  
Фалак ўйин қилмоқни суяр.  
Ердан кўкка кўтариб сувни,  
Яна уни бошингдан қуяр.

\* \* \*

Узоқ ёғди майдалаб ёмғир,  
Ёғиб кунни тунга улади.

Ивиб-ивиб ёмғирдан охир,  
Пахса девор ярми қулади.

Кимга қувонч келтирди ёмғир,  
Ким бошига ташвишлар солди.  
Шўрлик девор кўз ёшим ювган  
Юрагимга ўхшади қолди.

\* \* \*

Оловларни пуркаб комидан,  
У кунора ҳужум қиларди.  
Онам уни енгарди ҳар гал,  
Онам жангнинг сири биларди.

Оҳ, онам-а, паҳлавон онам,  
Аждарҳони енгган тикиб жон.  
Косовларни қиличдай тутган,  
Узмоқ учун менга кулча нон.

\* \* \*

Шафтолилар пишди боғимда,  
Отам териб менга илинди.  
Мен шаҳардан кўнгил узмадим,  
Қишлоқда кўп ўрним билинди.

Куз либосин кийди боғларим,  
Отам менга илинди узум.  
Қайтмоқ бўлиб чоғландим қанча,  
Ҳеч қайтгали қиймади кўзим.

Қаҳратон қиш келди боғимга,  
Отам менга илинди ўзин.  
Қор ёққан тун уйкуга кетди,  
Аммо тонгда очмади кўзин.

Ота, дедим ҳайқириб нолон  
Лек очмади отам кўзини,  
Алмаштириб қўйдим шаҳарга  
Ҳатто унинг сўнгги сўзини.

Мен отамга ҳар не илинсам,  
Тополмадим ахтариб гирён.  
Девонаман шаҳарни суйган,  
Ота, десам, юрак-бағрим қон.

\* \* \*

Онасига қайтган гўдакдек  
Дарахтларга ошиқди қушлар.  
Эшиклар қулф – кира олмайин,  
Туйнукларни излади тушлар.

Чигирткалар куйин чалдилар,  
Қурбақалар бошлади базм.  
Тоғлар ютиб қўйиб қуёшни,  
Қилолмади тонггача ҳазм.

\* \* \*

Андижондан қовун келди,  
Бағрим каби тилиб сўйдим.  
Юрагимдай ўртасидан  
Тенг иккига бўлиб қўйдим.

Ё раб, юртда ёз бўлибди,  
Ҳасрат билан кулиб қўйдим.  
Қовунни еб косасига  
Кўз ёшимни қуйиб қўйдим.

Бунча менга ғурбат бердинг,  
Фалак, қасдинг нима эди?  
Қовунни мен эмас, қовун  
Мажруҳ қалбим тилиб еди.

Ғарибга йўқми шодмонлиқ?  
Гар бир кулсам юз чеккум оҳ.  
Қандай бахтли бўлолсин айт,  
Битта қовун йиғлатган шоҳ!

Андижондан қовун келди,  
Бағрим каби тилиб сўйдим.  
Кўзга суртиб пўчоғини  
Саройимга илиб қўйдим.

\* \* \*

Деразадан боққан ҳамхонам  
Яна ёмғир, дея уҳ тортди.  
Йиғлаётган ахир осмон-ку,  
Дўстим, нега ғамларинг ортди.

Қароғингга келгунича ёш,  
Не ситамлар ўртайди жонни.  
Шунча дардни кўтара олган  
Бардошига қойил осмоннинг.

Азалдан шу тақдирнинг иши,  
Кимга аза, кимга келар тўй.  
Булут тўлиб йиғлаган куни  
Майса яйраб кўкка чўзар бўй.

Малол олма йиғласа осмон,  
Қиз боладай йиғлар мулойим.  
Дийдаси тош қотса осмоннинг  
Бил, ўшал кун қиёмат қойим.

\* \* \*

Гулламади оғзидан анжир,  
Ишқин дилда айлади пинҳон.  
Сўнг ишқисиз деб чорбоғда уни,  
Маломатлар қилишди чунон.

Ёрин кутиб йўлга нигорон,  
Кундан кунга сарғайди юзи.  
Гоҳо пинҳон йиғлаганида  
Болдан кўз ёш тўкарди кўзи.

\* \* \*


Онам деди: қулоғини тишлаб қўйгин,  
Келин бўлса зора бизга шул қизгина.  
Мен уялдим, тишлолмадим қулоғингни,  
Қулоғингни тишлолмадим, эссизгина.

Йиллар ўтди елдек бир-бирларин қувиб,  
Сен порладинг кўкда ёрқин юлдузгина.  
Сенга ишқим айтай дедим, кўп чоғландим,  
Лек ишқимни айтолмадим, эссизгина.

Совчи келди сенга неча бой йигитдан,  
Юрак ютиб боролмадик бир бизгина.  
Олиб кетди сийму зарга сени кўмиб,  
Ёр-ёр айтиб олиб кетди, эссизгина.

Онажоним, бошим олиб қаён кетай?  
Оҳларимни тинглаувчи бир сизгина,  
Олиб кетди юрагимни ул қиз, нетай,  
Борлигимни олиб кетди, эссизгина.





### Лаҳза синиқлари

Ёмғир томчиларин қўшиғи гўзал.  
Тинглаб сархуш бўлдим,  
Синаётган лаҳза оҳанглари...

\* \* \*

Тонгда тушларимни сувларга айтдим,  
Тунда қурбақалар  
қўшиқ айтдилар -  
тушларим ҳақда.  
Энди сувларга ҳам ишонмай қўйдим.

\* \* \*

Кўчқор тусларига кирган булутлар  
Шохлашишди.  
Ажратмоқчи бўлди чўпон момоқалдироқ,  
Шовқиндан уйғонди қўзиқоринлар...

\* \* \*

Кўзинг – денгиз,  
Сурмалардан сарҳад чиздинг.  
У томонга ўтсам мени наҳанг ютар.

\* \* \*

Томоша тугади.  
Ой жим хўрсинди  
Дарахт панасига ўтгач ошиқлар.

\* \* \*


Уялиб кетаман гоҳида ойдан,  
Чунки бир пайтлар хилватда туриб,  
Узиб бермоқчийдим уни кимгадир...

\* \* \*

Қаро тун  
денгизга йўлиқдим  
Мавжларига юзимни босиб  
Майли эди чўкиб кетолсам

\* \* \*


Юрак - кўксимга экилган  
олма уруғи.  
Минг йиллик дарахтдек  
илдизлар отган,  
Шўрлик униб чиқолмайди  
кўксимни ёриб.





Муҳиддин АБДУСАМАД

У



\* \* \*

*Муҳаббат бир гарибликдир,  
муҳаббат бир виқор ҳар кун.  
Матназар Абдулҳаким*

Сен бир шоҳсан,  
сен бир малак,  
ҳажр учун фармон берган.  
Юрагимдан олиб юрак,  
ажр берган,  
армон берган.

Сочларимда минг битта оқ,  
сочларимда минг битта оҳ.  
Оқ тонгларни кутмоқ учун,  
бир қоп-қора осмон берган.

Ютганларим заҳар, оғу,  
тунлар - оғу,  
саҳар - оғу.  
Қонларимга қўшиб заҳар,  
дардларимга дармон берган.

Мен бир осий - чоҳ ташланган,  
бандинг мангу.  
Ишқташнангман.  
Ишқ бер, дея,  
ишқ бер, дея  
инграгувчи забон берган.

Сўнгаларим сирқирайдур,  
ўмганларим зирқирайдур.  
Ўзни ўзга банди айлаб,  
вужудимдан зиндон берган.

Бу кўз - туйнук. Очилмасми?  
Бир чимдим нур сочилмасми?  
У дунё шу,  
бу дунё шу,  
гирён,  
        гирён,  
                гирён берган.

Бу кўз - туйнук очилмасми?..

\* \* \*

Санга кетсам,  
санга етсам,  
ўздан кечиб, ўздан кечиб.  
Нурни эмсам,  
нурга энсам,  
кўздан кечиб, кўздан кечиб.

Надин манда бу телба дил,  
зоҳирим - гил,  
ботиним - гил.  
Чархи фалак чархлаган бул -  
сўздан кечиб, сўздан кечиб.

Ой - ғам тўлган бошим бўлса,  
юлдузлар - кўз ёшим бўлса.  
Фақат ишқинг ошим бўлса,  
туздан кечиб, туздан кечиб.

Қароғларинг - шаъбим. Кулса.  
Ман-ла бўлсанг,  
сан-ла бўлсам.  
Кўзларингни танлаб ўлсам,  
рўздан кечиб, рўздан кечиб.

Гул, аслингни умид этсам,  
гул, васлингни умид этсам,  
гул фаслингни умид этсам,  
куздан кечиб, куздан кечиб.

Бор-будимни бериб кетсам,  
нурларингни шерик этсам...  
Юраккинам эриб кетса,  
муздан кечиб, муздан кечиб.

Санга кетсам,  
санга етсам,  
ўздан кечиб, ўздан кечиб...

\* \* \*

Қай мақсадда келгандим,  
англамадим... англадим...  
Сув томчилаб кўзимдан  
ичимгача зангладим.

Ҳар томон остин-устун,  
остин-устун ер-само.  
Бу қандайин кўргулик  
о раб, ё раб, раббано.

Мусичалар ёшидан  
осмон тўла юлдузот.  
Мусичалар бошидан  
осмон тўкар юлдузот.

Ерга кириб дарахтлар  
илдиз отар ҳавога.

Ой кўнгил қўйиб ерга  
айланар бедавога.

Недир чирт деб узилди,  
сўкилиб кетаяпман.  
Қоришиб тупроққача  
тўкилиб кетаяпман.

Чаппа кетди тириклик,  
не бўлсам бўлаяпман.  
Мен ўлиб туғилгандим,  
туғилиб ўлаяпман.

\* \* \*

Санингсиз ман, билмам, кимман –  
юрагимда турди оғриқ.  
Кафтларимда тўлиб уммон –  
тилагимда турди оғриқ.

Тўрт тарафим кенг нимарса,  
саробларга тенг нимарса.  
Қўлим чўзиб, енг шимарсам –  
билагимда турди оғриқ.

Юрак тепар қобирғамни,  
ўпар... ўпар... ўпар ғамни...  
Жон дегани соб бўлганми –  
суягимда турди оғриқ.

Бир йўлингни дайр билсам,  
шул йўлингда сайр қилсам.  
Адашсаму, сал қайрилсам –  
курагимда турди оғриқ.

Санингсиз ман, билмам, кимман –  
юрагимда турди оғриқ.  
Кафтларимдан тошиб уммон –  
тилагимда турди оғриқ.

## ЮРАК БОҒЛАРИМГА ЯНА КЕЛДИНГМИ?!

### муқаддима

Йиғиштириб барча истиҳолани,  
Унутмасдан сира қондош элингни,  
Мўъжизам, яратиб гўзал мўъжиза  
Юрак боғларимга яна келдингми?!

Бунда ҳар бир дарахт сени қўмсайди,  
Бунда ҳар бир дарахт васлингга ташна.  
Ташлаб кетолмайсан тандош элингни  
Илдизинг юракка туташган.

### биринчи фасл

Фунчалар оғзини очар ҳайратда,  
Орзу қилишади сенга ўхшашни.  
Сен боғга гул ёниб кириб келганда  
Булбуллар тўхтатар сайрашни.

Изингни ўпгандан майсалар хурсанд,  
Телбадай бошини сарак-сараклар.  
Сени юқоридан бир бор кўргали  
Бўй чўзиб қарайди тераклар.

### иккинчи фасл

Дарахтлар кўп яхши кўради сени,  
Келиб тур... кўриб тур... даракла...  
Шунда шодлигидан шаънингга  
Қарсақлар чалади дарахтлар.

Шовқинга энтикиб қарайди қуёш,  
Нурлари қидириб толади.  
Қуёшдан рашк қилиб дарахтлар  
Сени ўз бағрига олади.

### учинчи фасл

Ёмғирлар ёғмоқда сенинг шаънингга,  
Ёмғирлар ёғмоқда – осмон ифори.

Дарахтлар пойингга юрагин тўпар,  
Изингдан эргашар илдиз кўпориб.

Сен маъюс кетасан. Инграйди юрак.  
Сен маъюс кетасан. Мўлтирайди жон.  
Дарахтлар безовта - сочларин юлар,  
Яна дийдорингга етишар қачон?!

### тўртинчи фасл

Бу боғда дарахтлар мажнунҳол,  
Улар ташрифингга ўрганган.  
Келсанг гар қўл чўзар осмонга  
Сени яна бир бор кўргандан.

Оҳлари осмоннинг раъйини  
Ўзига оғдира бошлайди.  
Қутлуғ ташрифингга бошингдан  
Раҳматлар ёғдира бошлайди...

### ХОТИМА

Кўпдир бизнинг қушлардан улфат,  
Дарахтлардан дўстимиз кўпдир.  
Сиримизни тинглади осмон,  
Изимизни майсалар ўпди.

Йўқдир бизнинг заррача армон,  
Биз билмаган гўшалар йўқдир...  
...энди менга рухсат бер, жоним,  
сафаримнинг соқоли чиқди...



## КУТИШ

Йўллар узилмади қадаминг тегиб,  
Кўзим деразага қоришиб кетди.  
Сохта йўловчилар кириб кўзимга,  
Зулмат чўмган дилим ёришиб кетди.

Сендан висолингни қилмайман талаб,  
Сендан дийдорингни қилмайман таъма.  
Аммо шуни фақат тушунтириб кет,  
Сенинг қиёфангга кирганми ҳамма?

\* \* \*

О, Мўъжизам,  
сенинг пойингга чўкиб,  
Кўзларингдан тошган  
меҳрингни туйсам.  
Чашми зилолингни кўзимга тикиб,  
«Йўқолинг...»  
дейсан.

Шодликдан баргларин тўкар юрагим,  
Лаҳзада улгургум  
тирилиб,  
ўлиб...  
Сўзларинг туюлар тасаввуримда  
«Йўқ... қолинг»  
бўлиб...





\* \* \*

3. га

ва яна тиллосин йўқотиб осмон  
ва яна шаррослаб йиғласа ёмғир  
ва яна муҳаббат бўлиб саргардон  
ва яна жизиллаб тинмаса бағир

ва яна намиққан жиққа тушларим  
ва яна ивиган кўзнинг сурати  
ва яна илкингни илкис ушладим  
ва яна ўпмоққа етмас журъатим

ва яна...

\* \* \*

Биз ўйноқлаб юрган шу ерни,  
шу заминни кўтариб турган:  
бир каттакон тошбақа ҳамда  
елкасида уч буқа - улкан.

Туравериб шу ҳолатида,  
бўйни оғриб, мадори тинса,  
ер юзини қўпар зилзила –  
гар уч буқа сал-пал силкинса...

Буни ўйлаб топмаганман мен,  
бу бир кўҳна, эски асотир.  
Ҳар гал шуни эслаганимда  
мени турфа ўйлар босади.

Тўғри, бироз жиннилим бор,  
ҳа, бир озроқ телбаман балким,  
аммо сенинг тафаккурингга  
минг бор таъзим этаман, халқим.

Асотирми, ривоятингми –  
ҳақиқатга келавермас мос,  
биноқ баъзи эрларинг ўзин  
шу ҳўкиз деб ўйлашмаса бас...

\* \* \*

Ота,  
меҳнат дегани  
бемаврид абр экан,  
қора сочларингизга  
ҳижжалаб қор элабди.

Она,  
заҳмат дегани  
қип-қизил шоир экан,  
қаранг, пешонангизга  
сатрлар қоралабди.

## КЎЗЛАРИНГ ҲАҚИДА УЧ БИТИК

Сенинг кўзларингсиз умрим бемаъни,  
Билмайман, ҳаётим кунмикан, тун ё?  
Мен қайга бораман кўзингдан бошқа,  
Сенинг кўзларингдан иборат дунё.

### I

Катта гуноҳ қилгани учун,  
Куйгани-чун сени бир кўриб,  
Кўчаларда тентираб зор-зор  
Саболардан изингни сўриб,  
Юргани-чун тинмай сиғиниб,  
Ҳам борингга ҳамда йўфингга,  
Сургун қилай кўзларимни, кел,  
Қоп-қоронғу қорачиғингга...

### II

Айлангандай ер узра ой, ер  
айлангандай шамс теграсида  
Айланаман тиним билмайин  
Қорачиғинг чегарасида.  
Айланаман қорачиғингда  
Мен ўзимни тополмай туриб,  
Топишимга ёрдам бергали  
Ошпоқ тонглар келар бостириб.

### Ш

Кўзларингдан олишар ибрат,  
Бутун олам, жамики борлиқ:  
Кўзларингдай чақнайди қуёш,  
Кўз ёшингдай ёғади ёмғир.  
Кўзларингда эрур мужассам  
Бутун олам тортиш қонуни,  
Йўқса, билмам, айланармидим  
Атрофингда бунчалар, жоним.

\* \* \*

Жунжикиб кетаяпман, она,  
Ҳавони қучиб кетаяпман.  
Соғинчинг уфурган шамолда  
Бағрингга учиб кетаяпман.

Бағрингни оч, она, қучоқла,  
Танимга югурсин ҳарорат.  
Эриблар кетайин меҳрингдан,  
Вужудим соғинчдан иборат.

\* \* \*

Ҳаёт – бу сувлари қутурган уммон,  
Билмайди меҳр не, шафқат нимаси?  
Мен – Робинзон. Қийин аҳволга тушган –  
Сувга ағнаб тамом чўккан кемаси.

Осмондай бепоён менинг сарҳадим,  
Уммонни ютгандай ичаман чойни.  
Юрагим – тўтиқуш – якка сирдошим,  
Яшайман кутганча бир Жумавойни.

### ЧЎПОН

Тўрт тарафим кенг яйдоқ дала,  
Хаёлимда мингта ташвиш, ўй.  
Қўй боқаяпман –  
Мени боқиши учун қўй.

\* \* \*

Эртак деб дунёни тоза кўрибман,  
Фарқлолмай бирорта рости ёлғонин...  
Мен Қилич ботирни излаб юрибман,  
Деворнинг қулоғин кесиб олгани.

\* \* \*

учиб кетмоқчи бўлади дарахт  
япроқларин қанот деб ўйлаб  
чангалини ботириб ерга

\* \* \*

ташрифимга шошар дарахтлар  
олқишлашиб қўл силкишади  
мен ўзимни шоҳдай сезаман

\* \* \*

ер айлана раста  
ер айланар аста

### **КЎКЛАМ**

Ариқлар - Ернинг лаби.  
балоғатга  
етди  
Ер.

\* \* \*

қовушган киприқлар овози  
бузар  
жимликни

\* \* \*

кўзларим – чашма  
кел  
қуриб қолмасдан

\* \* \*

ҳар ким овуниш-чун  
нимадир қилар  
менчи овунаман  
сени соғиниб

\* \* \*

Лабинг – ғунча.  
Очилса  
нима  
бўлар,  
билмайман!?

\* \* \*

Баҳор –  
ўзига бино қўйган йигит,  
Бойчечак -- алданган қиз.

\* \* \*

ОНА ер,  
қачон  
ҳомилалар  
бўласан  
менга?!



## ҶИШ ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

### I

Туғаб  
борар  
одам  
дегани...

### II

Ҳовузига  
ойна  
қўйди  
балиқлар...

### ИРИМ

Осмон  
пештоқига  
тақа  
илибди.

\* \* \*

Ўздан қочиб, қувиб, тутиб яшаймиз,  
Кўздан оққан ёшни ютиб яшаймиз.  
Ҳаёт кундасига бошни тикканча,  
Болтанинг тушишин кутиб япаймиз.

\* \* \*

Маним кўзим ёмон. Ичим фош этар,  
Сани кўп соғиниб жисмим ёш этар.  
Ўзинг бир таълим бер жисму жонима,  
Висолинг руҳимни хўп ювош этар.

\* \* \*

Кўзингни кўзимда кўрсам, нетай мен,  
Сўзингни сўзимда кўрсам, нетай мен.  
Сен бунча ўзингни севарсан, дема,  
Ўзингни ўзимда кўрсам, нетай мен.

\* \* \*

Кимдир тилин тишлар хору зор бўлиб,  
Кимдир жимиб яшар бору зор бўлиб.  
Кимдир кетди бугун ҳақ дийдорига,  
Кимдир йиғлаб келди зору зор бўлиб.



## Мундарижа

3	Ишонч – энг катта мукофот
5	Мўътадил лаҳзалар
8	Тўлин Ой
15	Лаҳза синиқлари
17	У
22	Юрак боғларимга яна келдингми?!
24	Кутиш
26	Кўзларинг ҳақида уч битик
30	Қиш ҳақида икки шеър

---

## ИШҚ БЕКАТИ

### Шеърлар

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
«Адабиёт жамғармаси» нашриёти  
Тошкент – 2005 йил

*«Fikr-media» масъулияти чекланган жамиятида чот этилди. Босмахонага 2005 йил 10 январда топширилди. Босишга 2005 йил 5 февралда рухсат этилди. Бичими 42X30 1/8. Адади 1000 нусха. Фин газет қоғози.*

21 - сон буюртма.

Баҳоси хелишилган нарҳда.